






Увайисни, Махзуна
ва Нодира



ш е ъ р л а р



ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти
Тошкент — 1958

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ УЧ КЛАССИК ШОИРАСИ

Ўзбек адабиёти ўзининг жуда кўп машҳур классик санъаткорларига ва бой адабий меросига эга эди. Бу сўз санъаткорлари юрак садолари, фикр ва дунё қарашлари, ақл ва идроклари билан одамзоднинг эстетик завқи, бахт-саодати, ҳурлигини ўйлаганлар ва шу йўлда курашганлар.

XIX асрнинг бошларида яшаган Нодира, Увайсий, Маҳзуна каби аёллар ўз даврларининг дардманд куйчилари — шонрлари эдилар Улар ўтмишда «тутқинларнинг тутқини, эзилганларнинг эзилгани» бўлган (В. И. Ленин) шарқ хотин-қизларининг дарду ҳасратларини, алам ва фиғонларини ифодаладилар. Бу шoirаларнинг яшаган ва ижод қилган вақтлари феодализмнинг қариб чириган ва жон талвасасига тушган даврига тўғри келади.

Маълумки, XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Урта Осиёда майдаланиб кетган феодаал давлатлари — уч хонлик (Фарғона, Бухоро, Хоразм) ўртасида яна уруш-талашлар давом этди. Феодаал деспотизми кучайди. Бу даврда феодаализмнинг адолатсизлик ва таловчилик сиёсатига қарши халқ норозилиги тобора оша борди. Даврнинг ижтимоий-сиёсий воқиалари, синфий қарама-қаршиликлар бу даврдаги адабиётда ҳам ўз ифодасини топа олган эди.

XIX аср бошларида ҳукм сурган икки адабий оқим — демократик тенденциядаги адабиёт ва феодаал-клерикал

адабиёт ўз ғоявий, бадний йўналиши билан бир-бирига қарама-қарши борди. Демократик тенденциядаги адабиёт вакиллари (Гулханий, Махмур, Мужрим ва бошқалар) феодал-клерикал адабиётдаги (Фазлий, Хувайдо, Амирий ва бошқалар) тематик торлик, ғоявий тушкунлик ва формализмга қарши ўз асарларини ижтимоий ҳаёт ва халқ билан боғлаб бордилар. Халқ оғзаки адабиётидан ва илгари ўтган прогрессив ёзувчилардан ижодий фойдаланиш натижасида демократик адабиётда тематик доира кенгайди, ғоявий савия кўтарилди, баднийлик ва адабий тил халқчил формада такомиллашди. Бу прогрессив-демократик йўналиш тобора кучайиб кўпгина адабиёт аҳлларини ўз атрофига торта борди.

Нодира, Маҳзуна, Увайсий каби шоирлар эса мана шу икки адабий йўналиш таъсирида бўлдилар, натижада уларнинг ижодида форма ва мундарижада қарама-қаршилиқлар юз бердиким, бу табиий бир ҳол эди. Уларнинг баъзи шеърларида феодал-сарой адабиётига хос услуб, тематик торлик, схоластика, формализм кўринса, баъзи шеърларида ижтимоий ҳаёт, феодал ахлоқ нормалари асосида хотин-қизларнинг хўрланишларига қарши норозилик кайфиятлари акс этди. Шундай қилиб бу шоирлар классик адабиётимизнинг аёл вакиллари сифатида, уларнинг асарлари эса ғазалчиликнинг кўзга кўринган намуналари сифатида адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзбек адабиётшунослигида ўзбек адабиёти тарихига оид ва классик шоирларимиз ҳақида бир қатор илмий текшириш ишлари олиб борилса ҳам, лекин ҳали XIX аср адабиёти, айниқса Фарғонадаги адабиёт ва унинг жуда кўп вакиллари ҳали етарли ўрганилганича йўқ. Бу мақолани мана шу машҳур ўзбек шоирлари Нодира, Маҳзуна, Увайсийлар қаторида яна Василахоним, Сиддиқабиби, Собираойим, Лайлихоним ва Тўтиқиз каби йигирмадан ортиқ ўтмиш шоирлар ижоди билан бундан кейинги таништириш ишларимизнинг дебочаси бўлур деб умид қиламиз.

Сермаҳсул ижоди, асарларининг тематик ранг-баранглиги ва социал салмоғи билан биз кўзда тутган даврдаги шоирлар орасида Увайсий алоҳида ўрин тутди.

Увайсийнинг асли исми Жаҳонотин бўлиб, у «Вайсий» ва «Увайсий» тахаллуси билан шеър ёзар эди.

Увайсий ҳақида тўлароқ маълумотга эга эмасмиз. Баъзи бир манбаъларга қараганда, Увайсий марғилонлик бўлиб, отаси шоир бўлган, шеър ёзишни ҳам Увайсий дастлаб отасидан ўрганган. Увайсий турмушга чиқиб кўнгилсиз ҳаёт кечиради. Охири жоҳил, қиморбоз эридан ажралиб, шоирлик ҳаваси, шеър ва ижод ишқи билан ўша даврда шоирлар макони бўлган Қўқонга келади, шеърий мактуб ёзиб, Нодира орқали хон ўрдасига киради, хондан кўмак кутади. Нодира уни саройга чақириб, ўз ёнида олиб қолади.

Увайсий ўз даври адабиётида актив ва етук бир шоира эди. У «Воқнаи Муҳаммад амин» ва «Карбало» каби катта дostonлар яратди. Бу дostonлар диний характерда бўлса ҳам, лекин ўша давр адабиётида эпик-лирик асар намунаси сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки бу даврда Фарғонадаги адабиётда Гулханийнинг «Зарбул масал»и ва Маъдалининг тамом бўлмаган «Лайли ва Мажнун» асаридан бошқа бирор эпик асар яратилмаган эди.

Увайсий девон ҳам тузган. Унинг девонидаги шеърлар шоиранинг дунёқараши билан бирга адабий маҳоратидан ҳам дарак беради. Увайсий ўзининг ғазал ва мухаммасларида хотин-қизларнинг замондан, ҳаёт ва турмушдан чеккан аламларини куйлади:

Замона кулфатидан бу кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди,
Бу чархи бемурувватдин кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди.

Замон кулфатидан пайдо бўлган бу доғ шоиранинг гунчадек кўнглини қон қилиб, унинг очилишига асло имкон бермас эди.

Турубдир бағрим ичра қон мисоли гунча найларман,
Очилмай гул сифат ушбу кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди.

Мана шу доғ-ҳасрат ва ёлғизликдан хасталанган; ҳамдами — меҳнат, иши — кулфат, ғами — улфат бўлган аёлларнинг бири сифатида ўз дардига чора излаб, шоира хонга мурожаат қилади:

Эшитгин арзи аҳволимни, э шоҳи жаҳон тақсир,
Ки изҳор айлаёлмон, дилда кўп дарди ниҳон, тақсир.

Жунуним хайли ақлим масканин торож этган вақт,
Тутинг маъзур, бунёд айласам оҳу фиғон, тақсир.

Бу мурожаат ҳаётнинг аччиқ оғусини тотиган, тутқунлик ўтида алангаланган Увайсийнинг қайғулари, аламли шикоятлари билан қўшилган у даврдаги хотин-қизларнинг кундалик фиғони бўлиб янгради.

Увайсий ғазалларида ҳам ҳақиқий ишқ-муҳаббат катта ўрин тутди. У инсоний муҳаббатни, вафодорликни қадрлади ва уни кишиларнинг ноёб хислати деб билди. Бу билан у оила-турмушнинг мустақкамланишини, кўнгилли ўтишини кўзда тутди, ёрга нисбатан вафосизликни катта хиёнат деб билди.

Кимки қилмас жон фидо гар, улки жонондин жудо,
Кимки меҳри ёридин тонурки, имондин жудо. ✓

Увайсий ижодида мистицизм ва сарой адабиётининг таъсири кўринади. Бу албатта табиий бир ҳол эди. Уша давр феодал сарой адабиёти доирасида бўлган ҳаёт ва турмуш, оилавий муносабатлар ва ижтимоий масалаларга ҳам мурожаат қилиши катта ҳодиса эди.

Увайсий шеърлари мазмундорлиги билан бирга бадийлиги билан ҳам жозибador. Лекин шунга қарамай, унинг ғазалларида фикрий такрорлар, ғализ ва сийқа иборалар, шеър тузилишида бадий воситалардан тўлиқ фойдалана олмаслик каби камчиликлар ҳам кўп учрайди.

Лекин шунга қарамай, Увайсий асарлари адабиётимиз хазинасида тез кўзга ташланадиган қимматли меросдир. Бу мерос чуқур ўрганиш, кенг илмий текшириш ишлари олиб боришни талаб қилади.

* * *

XIX асрнинг яна бир отоқли шоираси Маҳзунадир. Бу шоира ҳам Нодира ва Увайсийлар билан замондош эди. Шоир Писандийнинг берган маълумотига қараганда (Писандий Аваз Муҳаммад ўғли 102 ёшга кириб 1918 йилда Қўқонда ўлган) Маҳзуна Қўқоннинг юқори Ғалчасой даҳасидан бўлиб, даҳа қоровули Бошмон деган кишининг қизи бўлган. Даҳа мана шу Бошмоннинг номи билан айтилиб, ҳозир ҳам Бошмон маҳалласи дейлади.¹

Маҳзунанинг шеърлари унинг хийла билимли ва етук шоира эканлигини кўрсатади. Шоир Фазлий ҳам Маҳзу-

¹ Бу ҳақда шоир Чархий маълумот беради.

нанинг кимлиги ва ижодий тажрибаси ҳақида хабар бериб: Маҳзуна қўқонлик бўлиб, аёллар ичида кам топилувчи ифтихорга лойиқ бир шоира эди, деб унинг билимига, истеъдодига тан беради.

Мана шу ўткир фикрли, ҳозиржавоб шоира Маҳзуна ўз ижоди билан даврининг кучли лирик шоирлари қаторига кира олган эди. Унинг бу камолотини эътироф қилиб Фазлий яна: Маҳзуна ҳам маънода Зебуннисо ва Нодира каби камёб бўлиб, Қўқоннинг машҳур шоираларидан эди, деб мақтайди.

Шунчалик ижодий камолотга эга бўлган шоиранинг ижодий маҳсулоти ҳам кўп бўлиши шубҳасиз. Лекин улар бизгача етиб келмаган ёки ҳозиргача топилмаган. Биз Маҳзуна ижоди ҳақида сўз очар эканмиз, фақат «Мажмуатуш — шуаро» даги бир-икки форси газали ва Фазлий билан қилган бир ўзбекча, бир форсча мушоираси ва яна бир ўзбекча муҳаммаси устидагина гапира оламиз.

Маҳзуна шеърларида ҳам у давр аёлларига хос тутқунлик, эрнинг таъқиби ва ғазаби остида маҳзун умр кечириш каби ҳаётий воқиялар акс этди.

Э, мени Маҳзун мусофирга маломат бе сабаб,
Тутмасам фармонини мардуд этиб айлар ғазаб.

Маҳзунанинг шоир Фазлий билан қилган ўзбекча ва форсча икки мушоираси ўзбек адабиёти тарихида жуда машҳурдир. Бу мушоира шоиранинг ақл ва идрок, мушоҳида ва ижодда ҳозиржавоб лирик санъаткор эканлигидан дарак беради.

Фазлийнинг:

Юз офарин сўзингга лубби лубоб кўрмай,
Арзи жамол этарму ойна об кўрмай?

деб қилган сўз ўйинига ҳозиржавоблик билан Маҳзуна:

Қимдан чиқар бу сўзлар, бағрин кабоб кўрмай,
Ганж ўлмағай муяссар ҳолин хароб кўрмай

деб чиройли пайров қила боради.

Ҳақиқатан ҳам, Маҳзуна шеърлари мазмундорлиги, бадиийлиги, ифодалардаги айрим оригиналлик, сатрлар-

нинг ўйноқчилиги, жозибадорлиги ва лирик илиқлиги билан ёқимли эди.

Маҳзуна ҳам ўзбек халқининг ўтмишдаги Зебуннисо, Нодира, Увайсий каби азия фарзандлари қаторида турувчи севимли бир шоирасидир.

* * *

Шоира Нодира 1790 йилда Андижонда туғилди. Унинг асли исми Моҳлар бўлиб, у ўз шеърларини дастлаб «Комила» сўнг «Нодира» тахаллуслари билан ёзган, кейинчалик халқ орасида «Нодирани даврон» деб танилган эди.

Нодира ҳам юқоридаги шоиралар билан замондош эди. У Андижонлик даҳа эқсоқол Раҳмонқулбек деганнинг қизи бўлиб, 14 ёшидаёқ ўзининг ўтқир ақли, билимдонлиги, донолиги ва ажойиб хусни билан бутун Фарғонага овозаси кетган эди. Нодиранинг дарагини эшитган Марғилон ҳокими 16 яшар Умарбек унга киши қўяди. Раҳмонқулбек розилик бермагач, бу ишга Умарбекнинг акаси— Фарғона хони Олимхон аралашиб Нодирани ўз укасига олиб беради.

Орадан кўп вақт ўтмай, халққа қилган жабр-зулми билан «Золим хон» деб ном чиқарган Олимхон кўшини хонликлар ерига босқинчилик уруши қилиб турган бир пайтда халқ талаби билан ўз лашкарлари томонидан отиб ўлдирилади. Акаси ўрнига тахтга чиққан Умархон Марғилондан пойтахт — Қўқонга келгач, Нодирани ҳам саройга олиб келади.

Нодира саройда яшар экан, ҳамиша ўқини, ўрганиши ва ижодга берилди. У ҳаётни кузатиб борди ва ўз ижодини турмуш таассуротлари билан боғлади.

Аёллар ҳаётидаги фожиаларнинг сабаби — хотин-қизларнинг эрксиз, чорасизлигидан, баъзи эркакларнинг гайри-инсоний ҳаракатларидан, муҳаббатни билмаслик ва вафосизликдан деб билган Нодира, зўр бериб вафодорлик ва муҳаббатни ташвиқ қилди. У ишқ-муҳаббат мавзуини такрор-такрор қаламга олиб, вафо ва муҳаббатга инсоннинг энг олижаноб фазилати сифатида юксак баҳо берди.

Олам элида вафо топилмас.

Бу гавҳар эрур жаҳонда ноёб:

Муҳаббатсиз киши олам эмасдир,
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт.
Кириб, э Нодира олам элига
Муҳаббат шевасини ошкор эт!

Нодира хотин-қизларни хўрлаётган ва камситаётган дин вакилларига қарши ўз фикрини очиқроқ, кескинроқ айта олди, динни қурол қилиб ундан ўз ҳаромхўрликлари йўлида фойдаланувчи зоҳидлар ва шайхларнинг бутун кирдикорларини, риёкорликларини очиб ташлади. Уларнинг ҳамма сўзи алдамчиликдан, очкўзликдан, тамаъгирликдан иборат деб тушунтирди.

Риёу, ҳирсу тамаъ савтидур таронаи шайх,
Эшитмагум, ҳама афсун эрур фасонаи шайх.

Нодира малика бўлишига қарамай, беҳад фарёд чекди. Бу фарёд-фиғонлар бир томондан сарой ҳаётининг кўнгилсизлигидан бўлса, иккинчи томондан, сарой ташқарисидаги аянч аҳволда кун кечираётган халққа ачишиш эди. Ўз ҳаётидаги айрим кўнгилсиз ҳодисалар ва халқнинг дарди-аламлари у истаса-истамаса унинг ижодига таъсир эта боради. Бу таъсир Нодира ижодини халқ билан боғлади.

Чарх элни гирифтори ғаму дом ҳам айлар
Бисёр жафолар қилибон раҳм кам айлар.

Нодира ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўткир фаҳм-фаросатлик, зийрак ва ўша давр адабиётида традиция бўлган мушоирачиликда ҳам ҳозиржавоб санъаткор эди. Унинг мушоиралари кўпинча Амир Умархон билан бўлди. Бу мушоиралардаги жавобларда ҳам Нодира социал ҳодисаларнинг моҳиятини очади. Бир мушоирада Нодира Умархоннинг:

— Нега арбоби хирад аҳли жунундин ори бор? яъни нега ақллилар жиннилардан ор қиладилар?— деб берган саволига Нодира:

— Ким булар үрён, оларнинг жуббау дастори бор. Яъни: булар оч-яланғоч, уларнинг эса, кийим ва саллалари бор, улар юқори табақа кишилар, деб жавоб қилади.

Нодира шеърларида ҳам бошқа шоирларда бўлгани каби тематик торлик, сарой таъсирига берилиш ва шеъ-

рий тузилишида камчиликлар бор. Бу камчилик ва нуқсонлар унинг ҳаёти ва ижодий муҳити учун табиийдир.

Амир Умархон вафотидан кейин унинг 14 яшар ўғли Маъдали тахтга ўтиргач, Маъдалининг ёшлиги туфайли давлат ишлари асосан сарой аҳли қўлида бўлиб, бу даврдаги маданий ва адабий ишларга шахсан Нодиранинг ўзи раҳбарлик қилади. Нодира масжид-мадрасалар, ҳаммом ва карвон саройлар қурдиради, илм ва маърифатни ёқлайди. Ҳар ёқдан олимлар, ёзувчилар йиғиб, турли таърихий ва адабий китоблар ёздиради. Қўқонда катта бир кутубхона ташкил этади. Ўз замонининг камбағал шоирларига инъомлар бериб, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб туради. Унинг бу прогрессив ҳаракатлари 1842 йил Қўқонга бостириб кирган Бухоро амири Насруллонинг ҳужуми билан барбод бўлади. Бир канизак баҳонаси билан¹ бошланган бу урушда Амир Насрулло ғолиб келиб, юртни ва халқни талайди. Неча юзлаб гуноҳсиз кишиларни қиличдан ўтказди. Маъдали ва унинг ўғли Муҳаммад аминни жаллодга топширади. Жаллод уларни ўлдиришга тайёрланиб турганда, оппоқ сочлари тўзиган, париншон холда Нодира пайдо бўлади. У бегуноҳ 3 яшар набирасини қучоқлайди ва Насруллога қараб шундай хитоб қилади:

Эй забардасти зердаст озор,
Сенга ҳам келади будек бозор...

Амир Насруллонинг буйруғи билан Нодира, унинг ўғли Маъдали ва набираси Муҳаммад Аминни жаллод кундасига келтирадилар. Жаллод аввал Нодиранинг сочини қирқади. Кейин набираси, ўғли ва ҳар учовларининг қўлларини кесади. Сўнг оёқларини қирқади ва охири учовларининг баравар каллаларини олади.

Насрулло Нодиранинг қиймаланган жасадини халқ

¹ Саройда бир шаҳар ҳокими томонидан Амир Умархонга тақдим қилинган гузал бир канизак бўлиб, Маъдалихон унга уйланган эди. Маъдали ва унинг тарафидаги кишилар билан чиқишмаган айрим амалдорлар Маъдалини тахтдан тушириб, ўзлари ҳукмрон бўлиш мақсадида: бу канизакка Умархон уйланган эди. Маъдали ўз онасига уйланиб шариятга хилоф иш қилди, деган мазмунда Бухоро амирига Насруллога хабар қиладилар... Амир шу баҳона билан аслида эса ер ва бойлик ортдириш мақсадида Қўқонга юриш қилади.

олдига чиқариб ташлайди ва 7 кунгача кўмай, шундай қолдиришга буюради. Халқ ўз куйчиси Нодира жасади устида мотам тутади ва яширинча дафн этади.

Нодира шу хилда феодал тузумнинг даҳшатлари ва машъум ҳаётнинг фожиалари билан ҳалок бўлди. У ўз мавқеи ва ижоди билан ўзбек халқининг севимли шонралари қаторида катта ҳурматга сазовор бўлди, у левон тузган етук шоира эди. Унинг ўзбекча ва форсча ёзилган чиройли ғазаллари, мухаммаслари адабиётимиз саҳифаларида катта ўрин тутажақдир.¹

Хуллас, шунини айтиш керакки, бу ҳар учала шонра ҳам ўз даврининг социал воқияларига бўлган муносабатлари билан демократик адабий йўналишга яқинлаша борган бўлсаларда, демократ даражасига кўтарила олмаган эдилар. Лекин улар аёл бўлганлари ҳолда, ўша давр шароитида билимдон, отоқли қалам соҳиби, ўткир ақл, ирода, чуқур муҳокама эгаси бўлиб танилишлари ва айрим прогрессив фикрлар билан чиқишларининг ўзиёқ катта ҳодиса эди. Бу ҳодиса — аёлларга қаратиб айтилган «сочи узун, ақли қисқа» деган феодал-диний ақидаларни пучга чиқарувчи реал факт сифатида ҳам катта ҳодиса эди. Улар шу мавқедаги ижодиётлари билан ўзбек классик адабиётимиздан ўзларига алоҳида бир саҳифа очдилар. Бу саҳифа доим мазкур шоираларни эслатиб, уларга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат уйғотиб туради.

Ўткир Рашид

¹ Нодиранинг ўзбекча ва форсча шеърлари тўпламга левони Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади.

Двадесет
шеърлари





* * *

Бу на гумбаздур эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур макон
Туйнугин очиб аларнинг ҳолидин олсам хабар.
Юзларида парда тортуглиқ турарлар бағри қон.¹

¹ Бу шеърда анор тасвири берилган (ред).



Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Бу чархи бемурувватдин кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди.
Жароҳат бўлди бағрим тиги бедоди рақиблардин,
Бу кўтаҳфаҳм мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Бу гулзори фано ичра маҳалли беҳалал йўқтур,
Ҳамиша захми хородин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Фано мардумларининг сирридин ҳеч кимса йўқ оғаҳ,
Қабиҳ гуфтор мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Кўнгул қони фароғи дийдадин бир лаҳза банд ўлмас,
Вужудим изтироб айлаб кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Тўлибдур бағрим ичра қон мисоли ғунча, найларман.
Очилмай гул сифат ушбу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Сўзимдин хотиринг узра гумоне ўзга еткурма.
Ки изҳор айламай найлай кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Мени расвойи оламдин мабодо эҳтироз этма,
Такаллум бирла шод айла кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Кўнгулнинг оташин бежо қилибдур нутқи гуфтори,
Қаю боғ андалибидин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Бу сўзни айлади барпо ажаб густохлиқ бирла
Малоли хотир ўлғайму кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким,
Умархон зуфунунига кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.



Эшитгил арзи аҳволимни, эй шоҳи жаҳон, тақсир,
Ки изҳор айлаёлмон, дилда кўп дарди ниҳон, тақсир.
Жунуним хайли ақлим масканин торож эткан вақт,
Тўтинг маъзур бунёд айласам оҳу-фигон, тақсир.
Паришон ҳол зоҳир меида, куйгай ҳушманд аҳли
Начукким куймасин, доим ёшим оби равон, тақсир.
Таажжуб этмагил шоҳо кўриб ҳоли дигаргуним,
Кеча-кундузки мен расвоу. ул соҳибқирон, тақсир
Назокатлиғ сўзингга қанду шаккар ҳаммасоф ўлмас.
Қуёлмас илгингизга сувни Билқиси замон, тақсир.
Муносибликда девордим сенга Юсуф Зулайхосан,
Ки асло түшмасин ўтруға бир ғайри карон, тақсир.
Забарга ҳаг уриб зер айламуш ул котибни аввал,
Аничун ақли кўтаҳлар ўқурлар инни он, тақсир.
Сиришким донасин кўрди юзим тупроғида аидин.
Маломат қушлари бошимға қилмуш ошиён, тақсир.
Вужулинг сабр тоғидур, диличгим ақл боғидур,
Дедиким билганича Вайсини бир нотавон, тақсир.



Айласам кўтоҳлик, сен айла пинҳон, қилма айб.
Дард пинҳондур, чиқар оҳимла афғон, қилма айб.
Топмадим излаб бу олам аҳлидин бир дардманд.
Йиғласам мен сенга дийдамдин гўкиб қон, қилма айб.
Айлади ноаҳл бедил жисми мажруҳим мариз,
Айладим сендин талаб дардимға дармон, қилма айб.
Эй рафиқо, кулфати оламдин арз этган замон.
Нутқи бетаъсирими қилдим фаровон, қилма айб.
Неча мендек мустаҳиқ лутфинг гадосидур сенинг,
Не ажабдурким, сенга, соҳиби эҳсон, қилма айб.
Орзуйи васли дийдоринг агар бўлсам букун,
Ғам зимистонидаман ҳуршиди тобон, қилма айб,
Бўлмаса манзур Увайсий машқи, э сайиднағиб.
Маъдани маъно эрурсаң маъки нодон, қилма айб.



Мендан сўрасанг шўхи замондин гапурай,
Изҳор этибон дарди инҳондин гапурай,
Хусниға ниқоб айлади ул дилбарн зебо
Маҳрум кўзим, ашки равондин гапурай.
Кўп йиғладиму бўлди мукаррар йиғи мендин,
Бағрим гули қат-қат каби қондин гапурай.
Бежон бўлубон ётди бу шикаста дил ила,
Э, таш сенга бу руҳи равондин гапурай...
Юз шукрки шоми (аламим) сўбҳи ёвуқдур.
Хуррам бўлакўр гунча даҳандин гапурай.
Вайсийи гадо бир неча кун елди-югурди,
Ҳаргива демади шоҳи жаҳондин гапурай.

* * *

Мухаббат расмини билмакли ҳар жононадин келмас,
Висоли ёрнинг кўрмакли ҳар мастонадин келмас...
Кўруб Мажнун тани урёнасин таъи этма Лайлиға,
Ўтуб ўзлукни бобидинки ҳар девонадин келмас.
Унутқай дўст кўрган чоғда толиб сўзламакликни,
Яна қарз айламак маҳбуба ҳар фарзонадин келмас.
Дило, сен хуни дил қилма муҳаббат ошноси леб,
Мурувват ҳам тараҳҳум, билки, ҳар бегонадин келмас.
Кел, э зоҳид, топиб бир ёрни олдида жон бергил.
Ки қурбон айламаклик ҳар маҳи тобонадин келмас.
Диллидур маъдани мазмун барҳам бермагил. эй шўх,
Келан таъиға номавзун, Вайсийёнадин келмас.

* * *

Дунёни букун даврила даврони ғанимат,
Келтирди халойиқники меҳмони ғанимат.
То булбули мастона суханрезини бул дам,
Лйвони жаҳон боғу гулустони ғанимат.
Умрингни баҳорида муҳаббатни сугоргил,
Кўз мардумининг гиряи борони ғанимат.
Очгил кўзинг, э дил, кўра қол вақти тамошо,
Лйёми жаҳоннинг маҳи тобони ғанимат.
Фасли била ул гунчаи нашкуфта очилмиш.
Сайри чамани, ҳам гули хандони ғанимат.
Вайсийи гадосан, букун ўксутма гадони,
Лутф ила тараҳҳум, яна эҳсони ғанимат.



Рухнинг узра ики гесўйи шабарангинг тутошибдур.
Ки, бир ганж устида гўё, ики ажлар талошибдур
Гул эрмас гулшан аҳли кўзларин қон ила тўлдурмиш,
Тегиб ғамзанг ўқи нечунки, ҳар ёндин қарошибдур.
Шафақ эрмас юзунг ҳижронида ҳуршиди ховардур,
Ани ўтлуғ танидин чарх ўнгури тутошибдур.
Қошинг савдоси мен девонани бошиға тушганча,
Сиришким сели тўфони фалак тоқидин ошибдур.
Танимға ўқларинг мўҳлик эмас, балки мадор истаб
Бу тўрт деворға ҳар ёнидин чўблар тутошибдур
Тараҳҳум бирла Вайсийға, нигоро, манзилинг кўргуз,
Бу мўҳлик водда ушбу мусофир йўл адошибдур.

⋮



Кимдурур ишқини, жоно, ошкор этмас санга,
Кимдурур кўздин жигар қонин нисор этмас санга.
Кимдурур шовқинг аро тарки насихат этмаган,
Кимдурур носихки душман, ўзни ёр этмас санга.
Кимдурур фаҳму фаросатда Аёз ўлмак тилар,
Кимдурур доим умиди эътибор этмас санга.
Кўрса ногоҳ бир хиром этмоқда алвон ишвани
Кимдурур ишқингда қуллуқ ихтиёр этмас санга
Қилса Мажнун нечаким ул Лайлини кўзга сафо,
Кимдурур ишқингда кўзгуни губор этмас санга.
Кўз демасман ё басират ёки девори мағоқ,
Кимдурур, э нур, кўзни янтизор этмас санга
Остонаннга бошим қўйдим кўтармак йўқ умид,
Вайсий бечоранг губори ҳеч кор этмас санга.



Лаби лаълиғ ҳадисидин шакар миқорадур тўти,
Хикмати юзингла баски хушгуфторадур тўти.
Бисоти базм аро боғи ичинда барги гулдиндур,
Фигон айлаб кўзида чашмай хунборадур тўти.
Дариғо шохсор узра қўйиб ангушт ҳар зоғе,
Бу доғ ила малолни хотиру бечорадур тўти.
Дами шамшири каж абру била гўё шаҳид этди,
Пару боли билан чун қатра хун афшорадур тўти.
Фигони андалиб аммо бу гул хамёзасидиндур,
Шакаррези лабингдин доимо хумморадур тўти.
Хаданги новакингдин пар чиқориб қуш боласидек,
Ўлиб темирқаноту талпиниб оворадур тўти.
Гулистон ичра ҳар соат сен, э қумри, наво соз эт,
Нафас роҳидин аммо барқи оташпорадур тўти.
Нетайким андалиби Вайсий зиндони қафас ичра,
Ажаб маъюсу доим дийдадин хунбародур тўти.

* * *

Бир шўхи замон кўрдим дилбарму экан оё?
Бошига қўян эгри афсарму экан оё?
Юз узра паришондур нассожи сияҳ тори.
Машшота агар ўрса, ҳайдарму экан оё?
Бир қатра зилолингдин бўлғай минг ўлук эҳё,
Гар деса бўлур кофир шаккарму экан оё?
Жонона хаёлимдин азм айласа ҳар соат,
Бошимга тушан савдо маҳшарму экан оё?
Эй ёр, нигоҳингдин қонлар дил аро жорий,
Ҳар бир мижа бир хунрез ханжарму экан оё?
Ошиқ киши илҳонин «Ушшоқ» эшит бўл кун,
Даргоҳида маъшуқни сақларму экан оё?
Онсиз бу жаҳон ичра кўз очмадуғим ҳаргиз,
Фардо бу сўзим анга боварму экан оё?
Бечора Увайсийни бир кун демади маҳваш,
Кўюмда ғуломи чун камтарму экан оё?



Телмуруб қон йиғлаюб мен ошиқона кўз тутай,
Юзи гул, лаъли лаби мул, жонажона кўз тутай.
Уйнатиб келгай самандин, э улус, манъ айла кўз,
Интизориди қолан шўхи замона кўз тутай.
Ғам танаъум эрди доим фурқати дилдор аро,
Васли хонидур букун хурду калона кўз тутай.
Қимса бадгў ёнидин топди кўнгул ҳар дам вафот,
Ҳар сўзидур бир масиҳ ширин забона кўз тутай.
Зоҳидо, кўз тутмагимдин келмасун сенга ғубор,
Сирри ихфоси анингким бегумона кўз тутай.
Сифлаи дундия букун ашким бўлубдур лолагуш,
Ҳам ўзи сарроф, ҳам боимтиҳона кўз тутай.
Пайкари бадҳола равзан зоҳир ўлмиш бешумор,
Жумлаи суроҳидин руҳи равона кўз тутай.
Бошима солса маломат қушлари кошонае,
Ишқида ашкимни айлаб дона-дона кўз тутай.
Соқиё, ўлтурса соғар бер Увайсий илгина,
Чеҳраи майдинки акси меҳрибона кўз тутай.



Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам.
Лаъли дилкаш, сўзи хуш, дилдора ошиқ бўлмишам.
Мадди оҳим кўкдадур, сориг юзимга ашки ол,
Ул қади раъно, юзи гулнора ошиқ бўлмишам.
Қилма гулқандинг ила заъфим иложин, э ҳаким,
Менки гулбарги шакар гуфтора ошиқ бўлмишам.
Нолау-афгон этарман қумридек, булбул каби.
Не учунким сарви гулрухсора ошиқ бўлмишам.
Лабларингдин то кўрунмиш хўш-хўш инжу тишларинг,
Лаъли бирла ул дури шаҳвора ошиқ бўлмишам.
Дўстлар кўнглим олан зулфи мусулмонким эрур,
Қофиредир кокили зуннора ошиқ бўлмишам.
Ўзни қутқормоқ учун елдим, югурдим ҳар сари,
Оҳу вовайлоки, бора-бора ошиқ бўлмишам...
Баски саргардон қуюн янглиғ югурмоқдур ишим,
Ишқ водисида мен овора ошиқ бўлмишам.
Вайсийдин хуш истамаклик йўқ муносиб неучун,
Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам.

* * *

Жафосни чекмайин бўлмас муяссар санга жоволинг,
Юракка дарди тегмай таъсир этмас оҳу афғонив,
Кўнгүл сабр айлагил, бетоқат ўлма ҳажр шомина,
Зулумот ичра кирмай топмағайсан оби ҳайвонинг,
Надин дод айламай уммид субҳим шома айланмиш,
Фирибу макр ила васлингни афсун этди ҳижронинг,
Қошинг бир ғамзаси то тўқди юз ушшоқ қонини,
Кўзинг майдонида саф-саф тамошо қилди мижгонинг,
Вужудим поймолин хоки роҳидинки манъ этди,
Леё хокий, ватам кўйида тутдинг борму армонинг,
Увайсий ёра кўрсатмай ҳижоб ўлган тааллуқот
Аллрни ғарқ этар, тўфон ўлуб бу чашми гирёнинг.

* * *

Қилди ул машриқ сарядин ўзни изҳор офтоб,
Не учунким излагай ҳар рўз дийдор офтоб.
Чарх зарфиға қўйиб оғзин ютар ҳар кунда қон,
Шом вақтида шафақ билгурди хунбор офтоб.
Кеча излар, кундуз излар, ваҳки бир дам тинмайин.
Чарх водисида мажнуни жигархор офтоб.
Бенасибинг деб эдим бир мандуман ҳар рўзу-шаб,
Мен каби, жоно, юзинг кўрмаккадур зор офтоб
Мен начук Мажнун каби расвойи олам ўлмайин,
Чарх уза рухсори моҳингга гирифтор офтоб.
Дўст деб тутдим этогин ул фалак ғаддорни,
Шатта урди, кетди мағриб, топди озор офтоб,
Вайсий бошинг узра қўй ҳуршид талъат ёрни,
Билмадингму зарралар бошинда дастор офтоб.



Жон берурман текса минг кулфатки жонон йўлида.
На эмиш кўз абридин тўкмакли борон йўлида.
Маҳрум этти кўзларим хаттин тамошосидин ул,
Ул сабабдин кўз ёшимдин унди райҳон йўлида,
Кездим ул саҳрою ҳомун тоғу тош фаҳм аилабон.
Ҳасратимдин қон ютуб ул лаълу маржон йулида.
Ийди рухсорингни кўрсам, айласам таслими жон,
Либ эмасдур расмдур бўлсамки қурбон йулида,
Боб йўлидин юзумға неча боби бўлди шақ.
Юзланомай қайсиға бўлдумки ҳайрон йўлида.
Бирисидин кўринур маҳрумлик, э ҳушманд,
Бирисидин вақиъ эрур неча бўҳтон йўлида.
Қайсиға юзлансанг, эй Вайсий, сенингдур илтибёр,
Токи жон бермай муяссар йўқтур имкон йўлида.

НАВОИЙГА МУҲАММАС

Гунчани ёд айламакда ёр гулзоринг гараз,
Тўтидин дам урмаким, лаззатли гуфторинг гараз,
Ким қариби ул ҳаримдир дилда озоринг гараз,
Эй қуёш васфин демакдин моҳи рухсоринг гараз,
Оби ҳайвон зикридин лаъли шакарборинг гараз.

Тилга мазкур айладим васфингни мен, э меҳрибон,
Лолдур тил гарчи қилса (қанча таърифинг) аён,
Бу туганмас сўзин сен қилма тавил, этгил баён,
Улки дебдурлар бадан бўстонидин руҳи равон,
Аҳли маъни, олдида қад бирла рафторинг гараз.

Кўп эрур кўнглум қулоғи ичра гафлат пунбаси,
Равшан ўлмас ҳеч зойил ақл мажнундур басе,
Даҳр аро пайдо бўлои ким соф диллар жумласи,
Жилвагар кавсар зулолидин қуёшнинг ламъаси,
Кўзгу ичра чеҳра аксидур намудоринг гараз.

Отани ишқ ичра жисмү жон ўлуб мисли рамод,
Ҳеч қилмас кўнгли қотиғлигин ул бераҳм ёд,
Бу фалак бедодидин айлайки, султопимга дод,
Сел мавжидин рақиб хонапардозинг мурод
Барк сайридин саманди барққирдоринг гараз.

Ўнгиҳо навмидидин уммид этарман захмидин,
Айлади мафҳум таълим таъли воқиф фаҳмидин,
Ҳеч қилмас Мажнуни саҳронишин жон ваҳмидин,
Э кўнгил, Фарҳод тоғи бирла метни захмидин,
Дарду меҳнат, шиддатидин жисми афгоринг гараз.


Неча мендек чархинг остида дилафгор этмагинг,
Неча мендек Мансури Ҳалложни дор этмагинг. ✓
Ишқ савдоси била расвойи бозор этмагинг,
Ул қуёшқа, э фалак, мен заррани зор этмагинг,
Зарраи мақсуд йўқ, жуз бизга озоринг гараз.

Э дило, сен шиква қилма чархдин, тангри ўзи
Ишқ эли мавтиға зоҳир этди ул қотил кўзи,
Демадинг маҳваш хазон япроғидек Вайснй юзи,
Э Навоий, умр боринда вафосизлик сўзи,
Қим, бу сўз мазкур эрур шахди-шакар боринг гараз.



Мавзуни
шарлари





* * *

Дўстлар, бир ҳусни беҳамтоя ошиқ бўлмишам,
Ҳур пайкар бир малаксимоя ошиқ бўлмишам,
Ўтқи ширин, лаъли руҳафзоя ошиқ бўлмишам,
Ғамзаси қотил, кўзи шаҳлоя ошиқ бўлмишам,
Ҳусн элини шоҳи, бир мирзоя ошиқ бўлмишам.

Кўрган эрмас уйла бир маҳвашни чашми рўзгор,
Хулқи ширин, гулбадан, рашки чаман, насрин узор,
Ноз ойину тағофил пеша, истиғно шнор,
Илтифот этмас агар юз жон топиб, қилсам нисор,
Бир ситамгар шўхи бепарвоя ошиқ бўлмишам.

Оразин очғач, қуёш анворини айлар адам,
Жон ғизолига берур ваҳший кўзи таълими рам,
Лабларини олдида қанду асалдур мисли сам,
Зулфу қадду оразидин мунфайл боғи эрам,
Кишвари ҳусн ичра бир яктоя ошиқ бўлмишам.

Қошлари бир-бирға пайванд, икки мушкини ҳилол,
Кўзлари юз марғзориға ики шўхи ғизол,

Қомати боғи мурод ичра янги битган янҳол,
Оллоҳ-оллоҳ ким кўрубдур бу латофатли жамол?
Ҳусн аро бир мисли нопадоя ошиқ бўлмишам.

Ушбу ҳайъат бирла кўрган наҳл қадди жилвагар,
Бовар этмас, гар улус берса шаҳодат, деб башар,
Орази андоқ мусаффоқим, қилиб бўлмас назар,
Рашки Юсуф, бир бути зебоя ошиқ бўлмишам.

Маҳваши ҳурилиқо, гулгун қабо, гулпираҳан,
Қоши истиғно ҳилоли, ғамзаси лашкар шикан,
Гунчан хандондур оғзи, тишлари дурри Адан,
Бўлмади бирдам жамолидин ёруғ байтулҳазан,
Токи ул моҳи жаҳон пироя ошиқ бўлмишам.

Э, мени Маҳзун, мусофирға маломат бе сабаб,
Тутмасам фармонини мардуд этиб айлар ғазаб,
Жуз ризойи дўст, ишқ аҳлиға не бўлғай талаб,
Чиққали исломдин, зиннор боғлаб, йўқ ажаб,
Менки бир дин офати тарсоя ошиқ бўлмишам.

МУШОИРА

Ф а з л и й:

Юз офарин сўзингга лубби лубоб кўрмай,
Арзи жамол этарму, ойина об кўрмай.

М а ҳ з у н а:

Кимдин чиқар бу сўзлар, бағрин кабоб кўрмай,
Ганж ўлмағай муяссар, ҳолин хароб кўрмай.

Ф а з л и й:

Мастураи суханға пўшидалиғ муносиб,
Маъни арусини бас мен бениқоб кўрмай!

М а ҳ з у н а:

Йўқ айби сўзларимнинг, гар бўлмаса муадлаб
Андоқки ўт кўкаргай ҳеч офтоб кўрмай.

Ф а з л и й:

Майгун лабинг ҳадиси маст этди ғоибона,
Кайфият ўлди зоҳир жоми шароб кўрмай.

М а ҳ з у н а:

Бир важҳ буки табъим хом асрамиш замона,
Чархи сипеҳридин ул бир печу тоб кўрмай.

Ф а з л и й:

Мундоғки нуқтадонсан, ким эрди устолинг.
Ой касби нур қилмас, то офтоб кўрмай.

М а ҳ з у н а:

Кўп наҳрлар йиғилса дарёи пур дур ўлгай,
Илм аҳлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.

Ф а з л и й:

Бир нукта айла зоҳир Фазлийни қўйма Маҳзун.
То кетмайин Намангон, сендин жавоб кўрмай.

М а ҳ з у н а:

Байтулҳазан ичинда ўзлат тутиб бу Маҳзун,
Фазли илоҳидур бу, йўқса китоб кўрмай.



Нодира
шеърлари





Риёу, ҳирсу тамъ савтидур таронаи шайх,
Эшитмагум, ҳама афсун эрур фасонаи шайх.
Санамлар ишқина тоқат қилолмайини ночор,
Ёшунди савмиага, зуҳд ўлуб баҳонаи шайх.
Риёу, зарқ тариқида ташна ком ўлур,
Сароби баҳри хиёлотии бекаронаи шайх,
Хамўш этарман ани бир шарори оҳ ила,
Агарчи тез эрур ўт каби забонаи шайх.
Кўнгуллар ўлди совуқ суҳбатидини афсурда,
Эрур чу боди хазон оҳи ошиқонаи шайх
Берур ғурур ила оройиши печи дастор,
Ки худнамолиғ эрур зеби корхонаи шайх.
Топилса Нодира бир шайхни орифи комил
Бошим ҳавосин этай назри остонаи шайх.

* * *

Соқий менга қадаҳ тут бу дайр аро лаболаб,
Зухд аҳлидин усандим тутдим сенингла машраб,
Хуснинг тажаллисидин бетоб моҳрўлар,
Андоқки зоҳир ўлмас ҳуршид чиқса кавкаб.
Еримни васли бирла олам мунаввар эрди,
Бор эрди моҳи тобон ҳуршидға муқарраб.
Мажнуни бенавони таклифи жоҳ қилма,
Ким телбалар бошида йўқдур ҳавойи мансаб.
Муҳтожи дарғаҳингмен юз минг умид бирла,
Мен қулни бу эшикдин навмид қилма ёраб.
Тиги забонинг ўлди мифтоҳи ганжи дониш,
Алломан замондур олингда тифли мактаб.
Қил Нодира муяссар шўри жунун жаҳонда,
Ишқу муҳаббат ўлди ошиққа дину мазҳаб.

* * *

Эй сабо рози дилмни беҳабар ёримга айт,
Дардлиғ кўнглумнинг аҳволини дилдоримга айт.
Ҳажр дардидин юракда қолди доғ устида доғ,
Шарҳ этиб бу можарони лола рухсоримга айт.
Фурқат ичра тушди савдойи Зулайхо бошим,
Қиймати Юсуф баҳо топди харидоримга айт.
Лутф этиб, сўрса мени ҳолимни ул номехрибон,
Улди ҳижронингда деб ёри вафодоримга айт:
Сендин айру талхком этти дебон захри фиरोқ,
Еширин дардимни ул лаъли шакарборимга айт.
Юз салом айдим на бўлғай бир йўли ул ҳам деса,
Бу саломимни ўшал ошнфтан зоримга айт.
Нодира сенсиз тирикликдин на роҳат кўрди деб,
Ул ҳумоюн толеъи фарҳунда авторимга айт.

* * *

Менинг жунунима Мажнунни бермангиз нисбат,
Қилурму хору хашак тоби шуълан ғайрат.
Чекарда жон менга тақлид қилмасин Фарҳод.
Фироқ тоғида беҳуда чекмасин кулфат.
Менга баробар эмас, кўҳқан била Мажнун.
Аларда бир ғам эди, лек, менда минг ҳасрат.
Жаҳонда бўйлаки бўлмишман ишқ ойинаси,
Менга зиёда бўлур ёр ҳуснидин ҳайрат.
Ғамимни заррасини тоғларга арз этсам
Таҳаммул айламагай тоғ, келтуриб тоқат.
Бу дарду ғамки ани нотавон кўнгул кўтарур,
Муҳаббат аҳлига юздин бири эрур офат.
Ғамимнинг шарҳини юз мингдин бирини дедим,
Фалак они кўтарурда хам айлади қомат.
Бу ғамни тоғ кўтармас эди валеқ менга,
Бериб таҳаммулини қўйди жонима миннат.
Сипеҳр мартабаи ишқни баланд кўриб.
Дедики, Нодиранинг ҳимматиға юз раҳмат.



Э сарви сиҳи бўйлиғим, э қомати зебо,
Келким, кўзим ойинаси муштоқи тамошо.
Ул кунки висолинг чаманин сайр этар эрдим,
Манзури назар эрди менга ул қади боло...
Айдимки: қачон бўлғуси кўйингда маконим?
Ошиққа, деди, ҳожат эмас манзилу маъво.
Куйдирди чаман гулларини рашк ўти бирла,
Ул гунчан хандон ила ул наргиси шаҳло.
Ул зулфи диловези муанбар гриҳидин,
Ҳар кимни тушуб бошига бир ўзгача савдо.
Ҳар сабзаю сунбулки бу гулшанда чекар бош,
Мўйи сари Мажнундуру, ё турран Лайло.
Вайронада оқилга иқомат немуносиб,
Сарманзили осойиш эмас арсан дунё.
Ҳижрон ғамидин ташналабу хастажигармен,
Соқий карам айлаб менга тут соғари саҳбо.
Кўзгу каби ҳайронларингга арзи жамол эт,
Дийдоринг учун Нодирадур волас шайде.



Дола келдим, э салотни сарвари, додим эшит,
Сен шаҳу мен бенаво, лутф айла, фарёдим эшит.
Мадди оҳим шуъласи ҳуснинг дабиристонида,
Мисраъи баржастадур, э сарви озодим эшит,
Сарви нозим, сендин айру нахли қаддим бўлди хам.
Қоматинг ҳажрида синди шохи шамшодим эшит.
Ҳар нечаким сабр таъмирини бунёд айладим,
Акш селобида вайрон ўлди¹ ободим эшит.
Барча ёру ошнодин айладинг бегоналиғ,
Неча кунлар бўлди ҳаргиз қилмадинг ёдим эшит.
Келки бир соат сени кўрмоқ учун муштоқ мен,
Телба бўлдим сендин айру, э паризодим. эшит.
Ноира боди сабодин сенга ирсол этгали.
Қилди иншо бу газални табъи ношодим эшит.

* * *

Жон кўрмали рўзадин ҳаловат.
Ифторда ёрсиз на лаззат.
Ер айласа ёри бирла ифтор,
Йўқ рўзада мундин ўзга давлат.
Эл барча висол базмида шод,
То субҳ чекиб суруди ишрат.
Ҳар шом менга новолан ғам,
Ифтор қилурға бўлди қисмат.
Моҳи рамазонки, файзи чўқдур,
Мен хастага ёрсиз на роҳат.
Ҳар шом кўзумни ёши шамъим,
Ҳуши жигарим бажойи шарбат.
Ҳижрон ила рўза жавр этолмас,
Гар ёр эса Нодира саломат.



Васл уйин обод қилдим бузди ҳижрон оқибат,
Сели ғамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат.
Қилди чоки пираҳан доғи дилимни ошкор,
Қолмади кўнглумда захми ишқ пинҳон оқибат.
Аҳду паймонлар қилиб эрди вафо қилғум дебон,
Айлади тарки вафо ул аҳди ёлғон оқибат.
Орзу қилдим тутармен деб висоли домонин,
Пора бўлди ҳажр илгида гирибон оқибат.
Зоҳидо, ишқу муҳаббат аҳлини маъзур тут,
Ери кўйида на бўлди Шайх Санъон оқибат.
Баски қон бўлди юрогим, гавҳари ашк ўрниға
Қатра-қатра кўзларимдин томди маржон оқибат.
Оҳким бўлди яна субҳи нашотим шоми ғам,
Чеҳра пинҳон этти ул ҳуршиди тобон оқибат.
Гарчи бор эрди мусаххар девлар фармонида,
Поймоли хайли мўр ўлди Сулаймон оқибат.
Нодира булбул каби то нола иншо айладим,
Навбахор ўтди, ҳазон бўлди гулистон оқибат,

* * *

Менки қолдим ҳажр вайронда бесомон бўлуб,
Ер келмас кулбаи нҳзонима меҳмон бўлиб.
Дашту саҳродин сўроғингни тополмай дард ила,
Айланиб келдим яна гам уйига ҳайрон бўлуб.
Шарбати лаълинг хумори бирла чандон йиғладим,
Қатра-қатра кўзларимдин оқди бағрим қон бўлиб.
Васл аро мағрур эдим дийдориға, шони фироқ,
Уртади жисмимни охир оташи ҳижрон бўлиб.
Айласам девоналик айб этмангизким, ул пари —
Ғойиб ўлмишдур, назардин жилваси пинҳон бўлиб.
Нодира ул меҳри тобон шавқида қилдим жунун,
Ошкоро бўлди ишқим, шуҳрати даврон бўлуб.

* * *

Ёр лаълини ёд этарман, гунчан хандон кўруб.
Сабзан хаг согинурман, боғ аро райҳон кўриб.
Сабзан хат лаъли нобинг узра маъво айлади,
Хизр қилгандек ватан сарчашман ҳайвон кўруб...
Дард жонкоҳу дамодам оҳу аҳволим табоҳ.
Раҳми келгайму менга бу ҳол ила султон кўруб.
Соврулурман ҳажр водиси аро, Мажнун мени —
Гирдоб айлар гумон дашт узра саргардон кўруб.
Кеча лаъли ҳажридин ўлмоқ менга душвор эди,
Юз таҳайюр бирла илгин тишлади жонон кўруб.
Рашикдин юз фитна барпо айлади даври фалак,
Кўзларим ойнасин ёр олдида ҳайрон кўруб.
Тонг эмасдур бўлса (бу) муддатда устоли сухан
Нодира ашъорига таҳсин этар Салмон кўруб.

* * *

Дамеки лабларидин зоҳир этса ёр ҳадис,
Улусни хотирини айлагай шикор ҳадис.
Лабинг ҳадисини жон лавҳина савод этдим,
Кўзинг қароси каби бўлди мушкбор ҳадис.
Гуҳар ўзини садаф ичра айлади пинҳон,
Чу зоҳир айлади ул лаъли обдор ҳадис.
Бирн лабингни ҳадисидек обдор эмас,
Кўнгул саҳифасида ёзмишам ҳазор ҳадис.
Калом чоғида ҳар сўзки зоҳир этди лабинг,
Садаф гуҳарларини қилди шармсор ҳадис.
Такаллум этди мулоқот лаъли нобинг ила,
Фасоҳат аҳли аро топди эътибор, ҳадис.
Лабингдин айру тушуб Нодира китобат ила,
Қаро либос кийиб қилди сўгвор, ҳадис.

* * *

Э сарви равон надур хаёлинг?
Жон ўртади ваъдан висолинг.
Пайваста дуойи хайр этармен,
Мақсудим эрур сенинг камолинг.
Ул ойни юзига баҳс этарсен,
Етмиш магар э қуёш заволинг
Зухд аҳлига салсабилу ковсар,
Басдур менга рашҳаи зилолинг.
Чиқмасди ҳануз хат саводи,
Мусҳафда муборак эрди фолинг.
Ушшоқларинг ғамингда ўлди,
Йўқдур сени зарраи малолинг.
Э хаста кўнгул фиरोқ ичинда,
Дам ургали қолмади мажолинг.
Э Нодира, лофи ишқ урарсен,
Машҳури халэйиқ ўлди ҳолинг.



Гўзал ёримга, э боди сабо, еткур саломимни,
Ким элтар сендин ўзга ёр кўйига паёмимни?
Кўнгул дардини қийлу қолига тақрир эмас, ҳожат,
Таҳайюр бирла равшан айла мазмуни каломимни.
Кўнгул комини ширин истадим, жоми висолидин,
Фигонким, чарх ҳижрон заҳридан талх этди комимни.
Қоронғу бўлди олам, дуди оҳимнинг саводидин, *
Ки, фарқ этмас мунажжим рўзи равшан бирла
шомимни

Вафо шаҳбозидурман, гар мени сайд этмоқ истарсан,
Муҳаббат риштасидин қилгосен зинҳор домимни
Фалакдин гар шикоят ошкор этмас, тонг эрмаским,
Ғами ҳижрони табдил айлади айши мудомимни,
Карам қилдинг сабо, ул ёр кўйидин хабар бердинг.
Гулу райҳон исидин бениёз эттинг машомимни.
Муриди ишқи оламсўз ман ушшоқ базмида,
Навою нолаи найдек, баланд этти мақомимни...
Қоронғудур кўзумга ҳажр шомни, тийрадур айшим,
Фалак туфроғи пинҳон айлади моҳи тамомимни.
Ғарз, ҳимматларимдин ёр васли иқтизосидур,
Тиларман васлини ёраб, зиёд эт эҳтимомимни
Жавоби шоҳ байти, Нодира, ул нодирни даврон.
Тегиб санги ажал синдурди мийно бирла жомимни.

* * *

Э хушо, ширпа аро оби ҳаёти хукамо,
Ким, они ҳар киши нӯш этса бўлур Хиэрнамо.
Ҳукамо ишқ маризиға буюрмиш майи ноб,
Ҳажр дардиға демишлар, бу муфарриҳни даво...
Боладин айлама парҳез дамодам қалаҳ ич
Келди мазмум муҳаббат иўлида зуҳди рнѐ.
Бўлди гул мавсумию майкадалар жонибидини,
Муждан айшу тараб еткурадур боди сабо...
Эй хуш ул ринди майошоми сияҳмаст муом
Жоми май илгида, олида сабую мино.
Гусса паймонасида хуни дил ошом айлар,
Боладин ҳар кишиким, айлар эса истиғно
Зоҳидо, гар десанг ишқ аҳлиға расво бўлмай,
Демагил, майкада авбошиға кўп чуну чаро.
Бола муштоқиға лутф айла қадаҳ тут соқний!
Иўқса, Жамшидга ҳам, айламади жоми вафо.
Нолира, жоми муҳаббатни лаболаб ичибон,
Мастлиг бирла қилай ишқ намозини адо.

* * *

Рафиқо менга бирдам дўстлиғ расмини изҳор эт,
Ки, мен бордим ўзимдин ёр агар келса, хабардор эт!
Қачон ишқ аҳлини ўлдирмоғини ихтиёр этсанг,
Жафо тиги бпла аввал манинг бағримни афтор эт!
Ҳақорат бирла, э соқий боқар майхона аҳлиға,
Сунуб бир жоми май, зоҳидни анда нақши девор эт!
Менинг ҳолимға йиғлар дашту саҳроларда ваҳшийлар,
Агар куйига борсанг, э сабо, ёримға изҳор эт!
Эрур пирн мугондин, бу башорат турғил, э соқий,
Лаболаб жом ила зоҳидни даъвосини бекор эт.
Қадинг раъно ниҳоли сарвдур жоно, хиром айлаб,
Чаман гулгаштида товусга сен таълими рафтор эт!
Юмулмас кўзларим, э моҳи тобон, иштиёқингдин,
Чикиб ер остидин муштоқларға арзи дийдор эт!
Зулайхо муштарийдур ганжи гавҳар бирла васлингға,
Жаҳов аҳлини Юсуфдек жамолингға харидор эт!
Гули савсан очилди бенаволиғ қилма, э булбул
Чаманда Нодира ашъори бирла нолаи зор эт!

* * *

Фигонким, гардиши айём аюрди шаҳсуворимдин,
Гамим кўп, эй кўнгил сен беҳабарсан ҳоли зоримдин,
Губорим ишқ водисида барбод ўлди андоқким,
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар губоримдин.
Қизил қондир сиришким, заъфарондир чехраи зардим,
Мени ким кўрса фарқ этмас хазон бирла баҳоримдин.
Бузулди рўзгорим, хонаи айшим хароб ўлди.
На роҳат кўргумен энди бузулган рўзгоримдин.
Биёбонларни истаб топмадим ёрим сўроғини,
Берурман жон, сабо ногоҳ хабар келтурса ёримдин.
Диёрим аҳли мендин ёрсиз бегона бўлмишлар,
Ки мен ҳам ёрсиз озурдаман ёру диёримдин.
Гаҳе йиртиб ёқа, гаҳ қон ютуб, гоҳо фиғон этдим,
Налар ўтта бу ахшом Нодира бу жонизоримдин.

* * *

Ҳар лаҳзаки э ёр сени ёл қилурман,
Ҳажр офатидин нолаву фарёд қилурман...
Уз жонима бедод уза бедод қилурман,
Бахтимни забун толидин дод қилурман.

Муншийи қадар менга қалам чекди дигар гун,
Паймонаи айшимни қазо айлади вожун.
Чарх элни гирифтори ғаму дсм ҳам айлар,
Бисёр жафолар қилибон раҳм кам айлар,
Мен ғамзадани ҳамдами дарду алам айлар,
Андоқки ул ой ишқи мени муттаҳам айлар,
Токи менга бедод ила жавру ситам айлар,
Охир мени овораи дашти адам айлар,

Муншийи қадар менга қалам чекди дигар гун.
Паймонаи айшимни қазо айлади вожун.

Э гулшани ғам, эмди баҳор бўлди хазон бўл,
Э дийдаларим, ёр юзига нигорон бўл,
Э оҳ, кўзим гулшанида сарви равон бўл,

Э ҳуш ғами ишқда расвойи жаҳон бўл.
Э ақл, жунун даштида беному нишон бўл,
Э Нодира, сен айшу тараб бирла амон бўл.

Муншийи қадар менга қалам чекди дигар гун,
Паймонаи айшимни қазо айлади вожун.



ЛУФАТ

А

- Абр* — Булут.
Абрў — қош.
Адам — йўқлик.
Адан — дарё номи.
Ахтар — Бахт юлдузи.
Ангушт — бармоқ.
Андалиб — булбул.
Анқо — Афсонавий қуш-
 нинг исми.
Асрор — сирлар.
Арса — майдон.
Арус — келин.
Афгор — хаста.
Афсар — тож.
Ашк — кўз ёши.
Ашвор — шеърлар.
Ашроф — шарофатлилар.

Б

- Бадгуй* — ёмон сўзловчи,
 ғийбатчи.
Барқ — яшин.
Баҳр — денгиз.

- Байтулҳазан* — қайғу уйи.
Бедор — уйғоқ.
Бенаво — чорасиз,
Бизоат — сармоя, мато.
Боло — юқори.
Боргоҳ — сарой, қаср.
Борон — ёмғир
Боқий — мангу, доимий.

В

- Васл* — дийдор, эришиш.
Ваҳдат — яккалик, ёлғиз-
 лик.
Вовайло — афсус, надомат.
Вожгун, Вожун — тес-
 кари, чаппасига кетган,
 ер билан яксон.
Воиз — Ваъз қилувчи, мад-
 доҳ.
Вола — берилган.

Г

- Гардун* — осмон.
Гардуни дун — пасткаш
 осмон.

Гирён — йиғлоқи.
Гисў — соч, елкага тушган соч.
Гирих — тугун.
Густох — беадаб.
Гуфтуғў — сўзлашши.
Гуфтор — сўз, нутқ.

Д

Дадон — йиртувчи, йирткичлар.
Дастор — салла.
Даҳан — оғиз.
Дигар — бошқа.
Дийда — кўз.
Дилафгор — дили яраланган.
Дилрабо — кўнгил тортувчи, гўзал.
Дирам — танга.
Дом — тузоқ.
Домон — этак.
Дуго — эгилган.
Душвор — қийин.

Ж

Жабин — пешона, манглай.
Жовидон — абадий, доимий.
Жонбахш — жон бағишловчи.
Жорўб — супурги.
Жоҳ — мартаба.
Жунун — жиннилик.

З

Забун — оёқ ости, хор.
Забар — уст белги.
Забон — тил.
Занах — ияк.

Зер — ост.
Зимистон — қиш.
Зухд — тақводорлик — сўфилик.

И

Ийд — ҳайит, байрам.
Интихоб — танлаш.
Истеҳзо — масхаралаш, кулиш.
Ифшо — фош қилиш.
Иҳтироз — ўзини четга тортини.
Иҳтисоб — суриштирини.

К

Кавкаб — юлдуз.
Кавсар — жаннат ариғи.
Калом — сўз.
Каманд — илмоқлик арқон, сиртмоқ.
Кибриё — олий, юксак.
Кўҳқан — тоғ қазувчи.
Кўҳсар — тоғлик ер
Кўтах — калта.
Ком — мақсад, тилак.

Л

Лаъл — қизил рангли қиммат баҳо тош.
Ламъа — порлаш, ялтираш.
Лолагун — лола ранг, қизил.
Лубби — лубоб — яхшиларнинг яхшиси.

М

Маъво — жой, ўрин.
Маъдум — йўқолган.

Марғзор — майсазор, ўт-лоқ.

Майгун — май рангли, қизил.

Мардум — кўз қорочиги, одам.

Маскан — турар жой.

Масиҳ — Исонинг лақаби.

Машшота — ясаптирувчи хотин.

Машом — димоғ, бурун.

Маҳв — йўқ бўлган, нобуд

Маҳваш — ой юзли, гўзал.

Маҳзун — қайғули.

Маҳшар — қиёмат.

Моҳитобон — тўли оё.

Мақдам — қадам қўйилган жой.

Мужа — киприк.

Мужгон — киприк.

Мунаввар — порлоқ, ёруғ.

Мунфаил — уялган, хижолатли.

Муолиж — даволовчи, ҳаким.

Муртад — йўлдан қайтган.

Мухтасар — қисқа.

Муътод — одатланган.

Мушк — қора тусли хушбўй модда.

Муҳлик — ҳалокатли.

Муссаххар — қўлга олинган, забт этилган.

Муқарраб — яқин (қиши).

Муг, муғон — май сотувчи.

Моҳ талъат — ой юзли.

Муи сар — бош туки.

Н

Надомат — ўқиниш.

Наззора — қараш.

Наргис — бўта кўз гул.

Нассож — тўқувчи.

Насим — майин шабада.

Наҳл — дарахт.

Нигоҳ — қараш.

Нисор — сочиш.

Ноб — тоза, тиниқ.

Новак — ўқ.

Носиҳ — насиҳат қилувчи

Нуш — ичиш.

Нуқтадон — билимдон

О

Ойин — расм-русум.

Ораз — юз.

Осуда — тинчланган.

Ориф — билувчи.

Оташ — ўт.

Ошифта — берилган, паршон.

Оғушта — аралашган.

П

Паём — хабар.

Пайкар — гавда.

Пайкан — ўқ.

Паймон — ваъда.

Пайгом — дарак, хабар.

Париру — пари юзли.

Пеша — ҳунар, касб.

Пўшида — ёниқ, бекик.

Пой — оёқ.

Р

Рам — ҳуркиш, чўчиш.

Рафтор — юриш.

Реза — увоқ, майда.

Ришта — ип.

Ризвон — жаннат.

Руз — кун.

Рухсор — юз.

Рух афзо — руғ бағиш-
ловчи.

Ровза — жаннат, бог.

Роҳ — йўл.

С

Сабҳа — тасбиҳ.

Самов — эшитиш.

Сайд — ов.

Сиришк — кўз ёши.

Сифла — пасткаш, тубон.

Сияҳ — қора.

Сомон -- яхши ҳолат,
тинчлик.

Соғар — қадаҳ.

Соҳиб — эга.

Суманбар — гулбадан, гў-
зал.

Т

Табдил — ўзгариш.

Тажаллум — безак, гў-
заллик.

Такаллум — сўйлаш.

Талх — аччиқ.

Талъат-юз, юз кўриниши.

Тараҳҳум — раҳм қилиш.

Таъмир — бино қилиш,
ремонт.

Тарсо — христиан.

Таҳаммул — сабр этиш.

Таҳайюр — ҳайратланиш.

Тағаллуб — ғалаба қозо-
ниш, қўлга киритиш.

Тағофул — билиб-билмас-
ликка солиш.

Тийра — қоронғу.

Тифл — ёш бола.

Тобон — порлоқ.

Турра — жингалак соч.

У

Ўзлат — таркидунё қи-
либ чекиниш.

Ўзор — юз.

Ўшшоқ — ошиқлар.

Ф

Фаш — салла печи.

Фасоҳат — гўзал сўз,
яхши услуб.

Фурқат — айрилиқ.

Фузун — ортиқ.

Х

Хайл — гуруҳ, тўда.

Хат — чизиқ.

Халлож — чигрикда пах-
та титувчи.

Хиром — юриш.

Хок — тупроқ.

Хун — қон.

Хуршид — қуёш.

Ш

Шаҳбоз — лочин.

Шаҳвор — йирик маъно-
сида.

Шикан — синиш.

Э

Эну он — у-бу.

Эрам — афсонавий бог.

Эсор — сочиш.

Эҳъё — тирилтириш.

Ғ

Ғаддор — хиёнатчи, ёмон-
лик қилувчи.

Ғамза — ноз -карашма.

Ғизо — овқат.

Ғизол — оҳу, кийик.

Ғоввос — шўнғувчи.

Ғулу — ғовға, шов-шув.

Ғулом — қул.

Ғутта — шунғиш.

Ҳ

Ҳадис — сўз.

Ҳиллол — янги ой.

Ҳумоюн — қулуг, мубо-
рак.



МУНДАРИЖА

Ўзбек адабиётининг уч классик шоираси	5
---	---

Увайсий шеърлари

Бу на гумбаздир	17
Замона кулфатидин	18
Эшитгил	19
Айласам гуноҳлик	20
Замондин гапурай	21
Ҳар жонондин келмас	22
Ғанимат	23
Руҳинг узра	24
Ошкор этмас сенга	25
Лаби лаъли	26
Бир шўҳи замон кўрдим	27
Мен ошиқона кўз тутай	28
Бир пари пайкар	29
Жафосин чекмайин	30
Қилди ул машриқ саридин	31
Жонон йўлида	32
Навойга мухаммас	33

Маҳзуна шеърлари

Ошиқ бўлмишам	37
Мушоира	39

Нодира шеърлари

Риёу ҳирсу тамаъ	43
Соқи менга қадзҳ тут	44
Бехабар ёримга айт	45
Мажнунни	46
Э қомати зебо	47
Додим эшит	48
Жон кўрмади рўзани ҳаловат	49
Васл уйин обод қилма	50
Менки қолдим	51
Ёр лаълини ёд этарман	52
Дамики лабларидин	53
Э сарвирован	54
Гўзал ёримга	55
Э хушо	56
Рафиқо	57
Фигонким, гардиши айём	58
Ҳар лаҳзаки	59
Д у ғ а т	61

На узбекском языке

ТРИ ПОЭТЕССЫ

Составитель

Уткир Рашид

Гослитиздат УзССР

Ташкент—1958

Редактор *М. Муинзода*

Рассом *В. Смирнова*

Рассом редактор *Г. Остапенко*

Техн. редактор *Я. Пинхасов*

Корректор *С. Йулдошева*

Босмахонага берилди 10/III 1958 й. Босишга рухсат этилди 13/IX 1958 й. Формати 70×92¹/₃₂—2,125 босма л. 2,49 шартл. босма л. Нашр л. 1,83. Тиражи 15000. P06164. Индекс: кл/в. УзССР Давлат бадний адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 147—57.

УзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатнинг 2-босмахонаси, Янгийул Чехов кўчаси 3, 1958 й. Заказ № 989. Баҳоси 45 т.